

23.01.03-р
№81

Олтиарик туман ИИБ бошлги
милиция подполковниги
М.С.Хонкелдиевга.

Сизга Узбекистон Республикаси МЖтКсининг 201-моддасида кад этилган хукукбузарликни содир этган Тожибоева Мутабарга нисбатан тупланган маъмурий материал кайтарилмокда.

28.10.2002 йил куни хукукбузар Тожибоева М.га нисбатан тузилган баённомада хукукбузарликнинг тафсилоти «Пикет» норозичилик намоиши деб кайд этилган. Узбекистон Республикаси МЖтКсининг узбек тилидаги нашрида ва рус тилидаги нашларида 201-моддасида «Пикет»деган суз кайд этилмаган, бундан ташкари баённомада МЖтКнинг 201-моддасини бузган деб кайд этилган. МЖтКнинг 201-моддасини кайси кисмлари бузилганлиги курсатилмаган.

Хукукбузарни тушунтиришлари, мукаддам судланган-судланмаганлиги, маъмурий жавобгарликка тортилаётган кунга кадар охирги бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги хакидаги маълумотлар олинмаган ва ишга кушилмаган. Баённомага хукукбузар имзо чекмаган ва у МЖтКни 294-моддасида назарда тутилган хукук ва бурчлари тушунтирилмаган.

Булардан куришиб турибдики Тожибоева М.га нисбатан тузилган баённома МЖтКнинг 281-моддасига зид равишда тузилган.

Ишдаги Маргилон шаҳар Зухро маҳалла фуқаролар йигини томонидан берилган маълумотномада Тожибоева М.ни яшаш жойи Зухро кучаси 31-уй 32-хона деб кайд этилган. Лекин ишдаги ИИБ ходимларининг курсатмаларида, алока хатларида хукукбузар Тожибоева М.ни яшаш манзили Маргилон шаҳар Зухро кучаси 31-уй 29-хона, базиларида 31-уй 31-хона деб кайд этиб утилган.

Узбекистон Республикаси Олий судининг «Маъмурий хукукбузарлик тугрисидаги ишларни куриш буйича суд амалиёти тугрисида»ги 15.09.2000 йил кунги Пленуми қарорининг 10-моддасида «Маъмурий хукукбузарлик тугрисидаги ишларни юритишда мансабдор шахс суриштирув органи судьялар МЖтКнинг 307-моддасида санаб утилган ҳолатлар билан бирга хукукбузарнинг шахси ва ишни тугри ҳал этилишида аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни ҳар томонлама ва синчковлик билан аниқлашлари шарт» эканлиги кайд этилган.

5-моддасида эса «МЖтКнинг 281-моддаси ва 294-моддасида кайд этилган ҳолатлар бузилган тақдирда, судья кайд қилинган камчиликларни бартараф этиш учун баённома ва қарорни тегишли орган ва мансабдор шахсга қайтаради» деб курсатиб утган. Шу сабабли суд камчиликларни бартараф этиш учун Тожибоева М.га нисбатан тупланган материални қайтармокда.

Илова: Тожибоева М.га нисбатан тупланган маъмурий материал 93-варакда.

Жиноят ишлари буйича
Риштон туман судининг раиси

Умирзаков П.Ю.